

## АЁЛЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТЛАРИНИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МЕХАНИЗМИ

Зулфикарова Дилфуза Гуломжановна

Наманган муҳандислик-технология институти таянч докторанти

[Zulifikarovadilfuza46@gmail.com](mailto:Zulifikarovadilfuza46@gmail.com)

Тел: +998 93-948-85-17

**Аннотация:** Бугунги кунда жаҳонда жами меҳнатда банд аҳолининг деярли ярми аёллардир. Шу сабабли бизнес юритиш фаолияти барқарорлигини таъминлашда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш зарурияти келиб чиқади. Нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунё тадбиркорликнинг ушбу турига жуда катта эътибор қаратмоқда. Сабаби, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш орқали ишсиз аҳоли қатламини маълум даражада иш билан таъминлаш, уларни доимий даромад манбаига эга бўлиши, янги иш ўрниларини яратиш натижасида мамлакатнинг, қолаверса бутун жаҳон иқтисодиётининг ривожлантишига ўз хиссасини қўшади.

Ушбу мақолада аёллар тадбиркорлигини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича давлат томонидан ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, молиявий қўллаб-қувватлаш борасида хорижий мамлакатларда амалга оширилаётган ташаббуслар, дастурлар таҳлил қилинади. Айниқса, аёллар учун тадбиркорликни ривожлантиришда амалдаги дастурлар, ташкилотлар ва иқтисодий сиёсатларнинг самарадорлигига эътибор қаратилиб, жамиятдаги ижтимоий ва иқтисодий шароитлардан келиб чиқиб, турли давлатларда аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган модел, стратегияларни ўрганилади. Европа, Осиё ва МДХ давлатларида аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган махсус дастурлар ва фондлар ҳақида маълумотлар келтирилади. Шу билан бирга, аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда юридик ва молиявий қўллаб-қувватлашнинг муҳимлиги, аёллар учун турли илгор бизнес моделларини жорий этиш ва тадбиркорлик фаолиятидаги гендер тенглик масалалари кўриб чиқилади.

**Калим сўз:** аёллар тадбиркорлиги, 7(а) дастури, венчур капитали, электрон бизнес тренинг, “Даму” жамганмаси

### I. КИРИШ

Жаҳон тараққиётининг “локомотив”и ҳисобланган кичик бизнеснинг ажралмас бўлаги сифатида аёллар тадбиркорлиги нафақат республикамизда, балки бутун дунё иқтисодиётининг барқарор тараққиётида ўз ўрнига эга. Халқаро миқёсда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг пировард натижаси аёллар тадбиркорлигини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратилиб, аҳолининг ишсиз қатламини меҳнат билан банд қилиш, даромадларини ошириш, оилавий фаровонлигини таъминлашга қаратилган.

Дунё миқёсида ҳар уч тадбиркорлик субъектларидан бири аёллардир. Бу иқтисодиёти паст ривожланган мамлакатларда ҳар тўрттадан бирига тўғри келса, даромади ўрта ва юқори мамлакатларда аёлларнинг умумий тадбиркорликдаги улуши мос равишда 36-37 %дан юқори<sup>15</sup>. Бу аёлларнинг тадбиркорликдаги хиссасининг ошиши мамлакат молиявий даромад даражаси билан мутаносиб<sup>16</sup>.

<sup>15</sup> <https://blogs.worldbank.org/en/opendata/women-entrepreneurs-needed-stat>

<sup>16</sup> <https://blogs.worldbank.org/en/opendata/women-entrepreneurs-needed-stat>

Раҳбарликдаги аёлларнинг улуши ҳам вақт ўтиши билан ортиб бормоқда. Раҳбарлик лавозимларига қабул қилинаётган аёллар улуши жаҳон миқёсида 2016 йилда 33,3 фоиздан 2022 йилда 36,9 фоизга ошди<sup>17</sup>. Жумладан, Америка Қўшма Штатларида ҳар куни аёллар 849 та янги бизнес ташкил этмоқда ва бу кўрсаткич тобора ортиб бориш тенденциясига эга. Охирги йигирма йил ичида аёллар раҳбарлигидаги фирмалар сони 114 фоизга ошди<sup>18</sup>. Шу боис, мазкур соҳани ривожлантириш, аёлларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун муносиб шарт-шароит яратиш бериш бутун дунё ҳамжамияти олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

## II. Адабиётлар шарҳи

Мазкур масалаларнинг айрим жиҳатлари ривожланган давлатлар иқтисодчи олимлари А.Смит, Ж.Б.Сей, Й.Шумпетер, М.Вебер, Г.Беккер<sup>19</sup>ларнинг асарларида ўз ифодасини топган.

МДХ мамлакатларининг иқтисодчилари А.Чаянов, Л.Бабаева, Р.Р.Галлямов, О.О.Коробова, Ю.А.Семенова, Н.Ю.Уткина, С.Ю.Барсукова, А.В.Орлова, Е.Мезенцевалар<sup>20</sup> аёллар тадбиркорлигини шакллантириш, ривожлантиришга оид фикр, мулоҳазалар билдиришган.

<sup>17</sup> WEF\_GGGR\_2022.pdf ([weforum.org](http://weforum.org)) маълумотлари. Кириш режими: [http://www3.weforum.org/docs/wef\\_gggr\\_2022.pdf](http://www3.weforum.org/docs/wef_gggr_2022.pdf)

<sup>18</sup> [www.incf.com/press-room/women-entrepreneur-data](http://www.incf.com/press-room/women-entrepreneur-data)

<sup>19</sup> Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. 1-3 кн.-М., 1992- с.74., Сей Ж. Трактат экономической теории./Ж.-Сей.-М.: Директмедиа Паблишинг, 2008.-с.68., Шумпетер Й. Теория экономического развития.-М.: Мысл. 1982, с.159., Зверева Н., Чаянов А. В.О размере семьи и крестьянского домохозяйства//Вестник статистики. -1991,-№7-с.47., Беккер Г. Экономика семьи и макроповедение //США: Экономика. Политика. Идеология. 1994. №2.-с.99-107; -№3.-с.93-98.,

<sup>20</sup> Бабаева Л.В. Деловая сила “слабого пола”/Л.В.Бабаева, А.Е.Чирикова//Эко. - 1996.-№5.- с.123-132., Галлямов Р.Р. Особенности женского предпринимательства в современной России. Экономика и управление: Научно-практический журнал. Издательство: Башкирская академия государственной службы и управления при Главе Республики Башкортостан (Уфа), 2016, с.56-64., Коробова О.О. Социально-экономической факторы развития женского предпринимательства. / Современные наукоемкие технологии. Региональное приложение. М.2020.-№2(62). -с.30-39., Семенова Ю.А. Женское предпринимательства в современном российском обществе: особенности и перспективы. Известия Саратовского университета. Новая серия. Серия: Социология. Политология. Издательство: Саратовской национальный исследовательский государственный университет имени Н.Г.Чернышевского(Саратов), Том14, М.2014. №2, с.17-19., Уткина Н.Ю. Объективные и субъективные факторы развития женского предпринимательства в России//Женщина в российском обществе М.2017. № 1(82). с.17-27., Барсукова С.Ю. Специфика женского предпринимательства: гендерная специфика российского бизнеса//Экономическое обозрение. М.1999.№1. с.142-150., Орлова А.В. Женское предпринимательство в контексте реализации гендерной политики в Республике Беларусь//Актуальные вопросы экономического развития: теория и практика в современных условиях: материалы Международной научно-практической конференции «Национальная инновационная система Республики Беларусь: состояние и перспективы развития», 2011./отв. ред. Б.В.Сорвилов, О.С.Башлакова и др. Гомель: Гомельский гос.ун-т им. Ф. Скорины, 2011.с.5-13., Нэнси

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Ш.Шодмонов, А.Ўлмасов, С.Ғуломов, Т.Маликов, М.Пардаев, З.Қурбонов, Д.Алимжонова, О.Жаббарова, Х.Кенжаева, Д.Аҳмедова, О.Ғуломжонов, О.Арипов, М.Ғаниев, Р.Убайдуллаева ва бошқа бир қатор олимлар<sup>21</sup> объектга оид тадқиқот олиб борганлар.

### III. НАТИЖАЛАР

Жаҳон мамлакатлари орасида иқтисодиёти юқори ривожланган АҚШ аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда етакчилик қилмоқда. Сабаби Қўшма Штатлар бизнесда муваффақиятга эришмоқчи бўлган тадбиркор аёллар учун қулай ва етарли шарт-шароитларга эга давлат ҳисобланади. Мамлакат аёллар тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш, уларни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-молиявий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бир қатор дастурлар ишлаб чиққан. “Биринчи аёллар банки”, АҚШ Савдо вазирлиги, WBENC (Аёллар тадбиркорлиги миллий кенгаши), SBA (Кичик бизнес Администрацияси)<sup>22</sup>, OWBO (Аёллар тадбиркорлиги идораси) ва шу каби бир қатор давлат ва нодавлат муассаса, ташкилотлар тадбиркор аёлларга фаолиятларини ташкил этиш ва ривожлантириш билан боғлиқ дастурлар асосида фаолият олиб боради. Бутун дунё бўйлаб тадбиркор аёллар дуч келадиган асосий муаммолар бўлиб маъмурий тўсиқлар ва капиталнинг етишмаслиги ҳисобланади. Бироқ бу ўсишга қарамай, аёллар банклар томонидан бериладиган кредитларнинг атиги 16 фоизини оладилар холос<sup>23</sup>.

---

Ходороу. Мезенцева Е. Гендерная проблематика в экономической теории. Введение в гендерные исследования. Ч. 1. Уч. пособие. Под ред. И. Жеребкиной. Изд-во “Алтейя”

<sup>21</sup> Шодмонов Ш. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланмаси. Т.2002, 180-182 бет., Ўлмасов А. Оила иқтисоди.-Т.: “Меҳнат”, 1998.-192 б., Маликов Т.С. Молия: уй хўжаликлари молияси. Ўқув қўлланма.-Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008., Пардаев М.К., Қурбонов З.Н. Оила бизнеси ва тадбиркорлиги. Ўқув қўлланма. Самарқанд.СамДУ, 1999.-45-б., Zhabborova, O. I., & Kenjaeva, N. P. (2018). Bases of gender equality of rights in Uzbekistan. Международный журнал гуманитарных и естественных наук, (5-2)., Кенжаева, Х. П., Тожиев, Ф. И., & Жураев, Б. Н. (2014). Роль женщин в создании и развитии демократического общества в Узбекистане. In Инновации в технологиях и образовании (pp. 119-123)., Аҳмедова Д. Янги Ўзбекистон шароитида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш масалалари ва унинг мамлакат тараққиётидаги ўрни. “Иқтисодий ўзгаришларнинг минтақавий муаммолари ва ривожланиш истиқболлари” Республика илмий-амалий конференция материаллари (Тошкент, 5 сентябрь 2021 й.), Ғуломжонов О.Р. Жамият тараққиётининг янги босқичида гендер тенгликни таъминлашнинг ижтимоий аҳамияти. «SCIENTIFIC PROGRESS» Scientific Journal ISSN: 2181-1601 // Volume: 1, ISSUE: 4., Арипов О.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аёлларнинг ўрни. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналі. №3, май-июнь, 2017 й., Ғаниев М.Х. Ўзбекистонда камбағаллик муаммосининг моҳияти, омиллари ва қискартириш йўллари. Монография. Наманган. 2021., 162 бет., <https://storage.academy.uz/source/1/nashrlar/Маърифатпарвар%20аёллар.pdf>

<sup>22</sup> SBA (Small Business Administration)-Кичик бизнес Администрацияси АҚШ ҳукуматининг тадбиркор ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлайдиган мустақил агентликдир. Агентликнинг вазифаси сармоя киритиш, маслаҳат бериш ва шартномалар тузишда умумлашган.

<sup>23</sup> <https://www.firstwomens.bank/ContentDocumentHandler.ashx?documentId=80667>

1975 йил тадбиркор аёлларга банк кредитларини олишдаги қийинчиликлар, бизнес муҳтидаги гендер тенгсизликни бартараф этишга стратегик эътибор қаратадиган ягона банк бўлган “First Women`s Bank” (FWB) молия муассасасига асос солинди. Бу аёллар томонидан ташкил этилган, аёлларга тегишли ва аёллар бошчилигидаги ягона тижорат банки. Банк фаолияти давомида кредит беришдан ташқари, аёлларга тадбиркорлик фаолияти масалалари бўйича маслаҳатлар бериб уларнинг ривожланишининг ҳамма босқичларида ёрдам беради. FWB йирик компаниялар томонидан қўллаб-қувватланади<sup>24</sup>.

Small Business Administration (SBA) кредитлари SBA билан ҳамкорлик қилувчи тижорат банклари, кредит уюшмалари ва бошқа кредиторлар орқали амалга оширилади<sup>25</sup>. SBA кредитнинг бир қисми бўйича ҳукумат томонидан қўллаб-қувватландиган кафолатли тақдим этади. SBA федерал ҳукуматнинг асосий федерал шартномаларнинг 23 фоизини кичик бизнесга етказиб бериш бўйича ҳатти-ҳаракатларини бошқаришга ёрдам беради. Кичик бизнес шартномалари дастурлари баъзи федерал шартномалар аёлларга тегишли ва хизмат кўрсатиш имконияти чекланган фахрийларга қарашли кичик корхоналарга, шунингдек, 8 (а) Бизнесни ривожлантириш дастури ва шу каби дастурларда иштирок этувчи корхоналарга эришишни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни ўз ичига олади<sup>26</sup>.

АҚШда 7(а) кредитларни кафолатлаш дастури кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватловчи ҳисобланиб, SBA томонидан таклиф қилинадиган энг кенг тарқалган кредит дастури. SBA кредитлари бошқа кредит шаклларига қараганда пастроқ тўлов ва гаров талаб қилади<sup>27</sup>. Дастур доирасида тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш учун ажаратилган жами кредитлар миқдорининг 36фоиз ини аёллар раҳбарлигидаги корхоналарга берилади. Кредитнинг қулайлиги барча мақсадлар учун олиш мумкин. Мамлакатдаги қарийб 7000 га яқин тижорат банклари ушбу кредит хизмат турини йўлга қўйганлар. Кредитнинг максимал миқдори 5 миллион долларгача бўлиб, 5 йилдан 25 йилгача муддатга, 6 фоиздан 13 фоизгача бўлган фоиз ставкаси билан олиш мумкин. Кредит олишнинг шартли қатъий тартибда белгиланган бўлиб, корхона камида икки йил фаолият олиб борган, юқори фойдага эга бўлган, сўнгги бир йил ичида 50 000 доллар даромад олган бўлиши керак.

1953 йилги Кичик бизнес тўғрисидаги қонун(Small business`s Act)нинг ҳали ҳам амалда бўлган қоидаларига кўра, давлат буюртмаларининг тўртдан бир қисми кичик бизнес эгалари ўртасида махсус тақсимланиши керак. Аммо 2011-йилда бошланган SBA Федерал шартномалари дастури туфайли, бошқа барча нарсалар тенг бўлса, аёллар давлат шартномаларини олиш учун имтиёзли ҳуқуқларга эга. Мазкур ҳуқуқдан фойдаланиш учун тадбиркорлик субъекти бир

<sup>24</sup> <https://www.firstwomens.bank/About-Us>

<sup>25</sup> [https://en.wikipedia.org/wiki/Small\\_Business\\_Administration](https://en.wikipedia.org/wiki/Small_Business_Administration)

<sup>26</sup> "SBA News Release". Archived from the original on January 2, 2011. Retrieved June 16, 2011

<sup>27</sup> "Loans". [www.sba.gov](http://www.sba.gov). U.S. Small Business Administration. Retrieved November 25, 2023.



нечта талабларга жавоб бериши керак: SBA кичик бизнес стандартларига мувофиқ бўлиши, раҳбарият таркибида камида 51фоиз бир ёки бир нечта аёлларга тегишли бўлиши (АҚШ фуқаролари бўлиши керак) ва бизнеснинг бош раҳбари аёл бўлиши керак<sup>28</sup>.

Office Womens business ownership (OWBO)<sup>29</sup> (Аёллар бизнеси бошқармаси) томонидан олиб бориладиган дастурлар тадбиркор аёлларга тадбиркорлик фаолиятига оид билим, малака ва маслаҳатлар бериш, кредит олишга қўмаклашиш орқали замонавий бизнес дунёсида рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради<sup>30</sup>.

Women's Business Centers (WBCs) – Аёллар тадбиркорлик марказлари АҚШ ва унинг ҳудудлари бўйлаб 100 дан ортиқ ноижорат таълим марказининг миллий тармоғини ифодалаб, қисман SBA ёрдами орқали молиялаштирилади. WBCs учун SBA гранти йилига 150 000 долларни ташкил этади. Марказ тадбиркор аёлларга кичик бизнесни ташкил этиш ва ривожлантиришда ёрдам бериш учун мўлжалланган бўлиб унинг хизмати аслида ҳамма учун мавжуд. Ҳар йили 100 000 дан ортиқ тадбиркор аёлларни тадбиркорлик соҳасига ўқитиш, маслаҳат бериш, бизнесни ривожлантириш ва молиялаштириш имкониятларини тақдим этиш орқали уларга муваффақиятга эришишларига ёрдам беради. Бизнес тренинг хизматларидан ташқари, 68 фоиз устозлик хизматлари ҳамда 45 фоиз микрокредитлар беради<sup>31</sup>.

Бундан ташқари, аёлларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ Women's Business enterprise national council (WBENC) Аёллар тадбиркорлик миллий кенгаши аёллар тадбиркорлигининг ривожланишига ёрдам берувчи миллий ноижорат ташкилотидир. Ташкилот аёлларга тадбиркорлик фаолиятини сертификатлаштириш, самарали ташкил этиш ва ривожлантириш, кенгайтириш учун саромоя киритиш, бу борадаги муаммоларни баратараф этиш билан боғлиқ мақсадларни ўз олдига мақсад қилган.

Сингапур давлати ҳам иқтисоди юқори ривожланган давлат бўлиб, тадбиркор аёлларга молиявий ресурслардан фойдаланишда юқори даражада имкониятлар яратиб беради. MasterCard Тадбиркор аёллар индексида ҳам бунини таъкидлаб ўтилган. Сингапур венчур капитали кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича жаҳон миқёсида энг юқори кўрсаткичга эга<sup>32</sup>. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш қонун устуворлиги ва давлат сиёсатининг адолатли тарзда юритилиши билан боғлиқ. Бу давлатда аёллар таълим олишда гендер тенглик мавжуд. Шу билан бирга аёллар тадбиркорлигини

<sup>28</sup> Дамский кошелек. Как в США поддерживают женщин-предпринимателей | Forbes Woman кириш режими: <https://www.forbes.ru/forbes-woman/366627-damskiy-koshelek-kak-v-ssha-podderzhivayut-zhenshchin-predprinimateley>

<sup>29</sup> <https://www.sba.gov/about-sba/sba-locations/headquarters-offices/office-womens-business-ownership>

<sup>30</sup> <https://www.sba.gov/about-sba/sba-locations/headquarters-offices/office-womens-business-ownership>

<sup>31</sup> [https://en.wikipedia.org/wiki/Small\\_Business\\_Administration](https://en.wikipedia.org/wiki/Small_Business_Administration)

<sup>32</sup> [the-mastercard-index-of-women-entrepreneurs2022.pdf](https://www.mastercard-index-of-women-entrepreneurs2022.pdf)

самарали ташкил этиш ва ривожлантириш билан боғлиқ бир қанча давлат дастурлари ишлаб чиқилган. Натижада 2018 йилда янги ташкил этилган аёллар раҳбарлигидаги корхоналар улуши 23 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йили 30 фоизга ўсмоқда<sup>33</sup>. Oversea-Chinese Banking Corporation Limited (OCBC)<sup>34</sup> 2024 йилнинг апрель ойида Сингапурдаги аёллар раҳбарлигида янги ташкил этилган кичик ва ўрта бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватловчи дастурни тақдим этди. OCBC тадбиркор аёллар дастури аёлларга тегишли КЎБ корхоналарга тадбиркорлик мақсадларига эришиш учун ёрдам берувчи мақсадли молиялаштириш ечимларини тақдим этишга қаратилган. Бунда аёллар бошчилигидаги стартаплар дастлабки икки йил кредитни қайта ишлаш тўловларидан воз кечган ҳолда, 100 000 АҚШ долларигача молиялаштириш ҳуқуқига эга. Банк Сингапурдаги жами КЎБ мижозларининг тўртдан бир қисмини аёлларга тегишли корхоналар ташкил қилганлиги сабабли тадбиркорлик муҳитида хилма-хиллик ва имкониятларни тақдим этган ҳолда тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлади. OCBC тадбиркор аёллар дастури орқали тақдим этилаётган молиявий ёрдам банкнинг КЎБни барқарор молиялаш асосининг бир қисми бўлиб, у энди ижтимоий кредитлар учун алоҳида бўлимни ўз ичига олади. Ушбу кредит Кредит бозори Ассоциацияси томонидан ўрнатилган Ижтимоий кредит тамойилларига мос келади ва тадбиркор аёлларнинг имкониятларини кенгайтиришга қаратилган. Молиявий ёрдамдан ташқари, дастур доирасида тадбиркорлик соҳасида дуч келадиган муаммо ва тўсиқларни бартараф этиш учун тажрибали тадбиркор аёллар томонидан ўқув семинарлари, тармоқ тадбирлари ва мураббийлик курслари тақлим этилади. OCBC ташкил этилгандан бери 1400 га яқин кичик ва ўрта корхоналарни бошқараётган тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаб, 300 млн. доллардан ортиқ кредит ажратилди<sup>35</sup>. OCBC тадқиқот натижаларига эътибор қаратсак, 2023 йили аёллар бошқарувидаги кичик ва ўрта бизнес корхоналари таълим ва чакана савдо соҳасидаги янги ташкил этилган корхоналарнинг ярмини, соғлиқни сақлаш, хизмат кўрсатиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг учдан кўпроғини ташкил қилади. Эркаклар устунлик қиладиган ишлаб чиқариш, қурилиш, транспорт ва логистика соҳаларида ҳам таъсисчи аёллар улуши ҳам ортиб бормоқда<sup>36</sup>.

Бундан ташқари, Сингапурда тадбиркор аёлларга кредит ресурсларидан фойдаланишда янада имкония яратиш мақсадида The Standard Chartered Women’s International Network дастури ишга туширилди. Бу Standard Chartered

<sup>33</sup><https://asiatechdaily.com/ocbc-launches-women-entrepreneurs-programme-supporting-female-led-smes-in-singapore/>

<sup>34</sup> [https://en.wikipedia.org/wiki/OCBC\\_Bank](https://en.wikipedia.org/wiki/OCBC_Bank) OCBC Сингапурда 1932-йил учта маҳаллий банкнинг қўшилиши натижасида ташкил топган.

<sup>35</sup><https://asiatechdaily.com/ocbc-launches-women-entrepreneurs-programme-supporting-female-led-smes-in-singapore/>

<sup>36</sup> <https://www.ocbc.com/group/media/release/2024/ocbc-launches-programme-for-women-entrepreneurs-to-support-growth-and-ambition#:~:text=Through%20the%20OCBC%20Women%20Entrepreneurs,such%20loans%20will%20be%20waived.>

Bank (StanChart) нинг барча бизнес-банк мижозлари учун бепул дастур бўлиб, мижоз корхоналар асосан аёллар томонидан бошқарилади. Улар гаров таъминотисиз, 60 ойгача бўлган муддатга 500 000 долларгача бўлган кафолатсиз кредитлар учун ариза беришлари мумкин. Биринчи олти ой учун фақат кредит фоизларини тўлашлари мумкин. Дастур Ҳиндистон, Кения ва Малайзияда ҳам ишга туширилган, бошқа давлатларда ҳам жорий этиш режалаштирилган. StanChart Сингапур Бизнес Федерацияси (СБФ) билан ҳамкорлик қилгани сабабли бу дастурдан Сингапур тадбиркор аёллар тармоғининг<sup>37</sup> 524 та аъзоси фойдаланиши мумкин. СБФ шунингдек. 2024-йил бошидан кичик бизнес соҳасидаги 240 дан ортиқ тадбиркор аёлларга электрон бизнес тренинглари ўтказиб келмоқда. Бу Осиё-Тинч океани аёллари ахборот тармоғи маркази томонидан Осиё аёлларига тегишли кичик ва ўрта корхоналарнинг электрон бизнес ва ахборот коммуникация технологиялари малакасини кучайтириш бўйича ўқув дастурини амалга оширишни режалаштиргандан кейин содир бўлди. Сингапур тадбиркор аёллар тармоғи АҚШ элчихонаси билан ҳамкорликда олти ойлик тадбиркорлик ўқув курси ташкил этилган бўлиб, бу дастур озиқ-овқат соҳасида тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаб келмоқда<sup>38</sup>.

Тадбиркор аёлларга қўшимча имкониятлар берувчи Women Owned Small Business (WOSB) сертификати жорий этилган<sup>39</sup>. Сертификат тадбиркор аёлларга SBA<sup>40</sup>нинг WOSB дастури билан ишлаш имконини беради. Бунинг натижасида улар молиявий ресурслардан фойдаланишда юқори имтиёзга эга бўладилар. Сертификатга эга бўлиш тадбиркорнинг бизнесдаги мукамаллик ва хилма-хилликка эришганини кўрсатади. Ушбу тан олиниш орқали аёллар тадбиркорлигининг давлат харидлари агентликлари, асосий пудратчилар ва бошқа ташкилотлар билан алоқасини мустаҳкамлашга эришилади, бреднинг бозордаги обрўсини оширади. Бундан ташқари, WOSB сертификати кўплаб тармоқ имкониятларини тақдим этади. Бошқа тадбиркор аёллар раҳбарлигидаги давлат идоралари, бош пудратчилар ва бошқа тадиркор аёллар муваффақиятини фаол қўллаб-қувватловчи соҳа етакчилари билан боғлиниш имкониятига эга бўлади. Сертификатга эга бўлиш шарти корхонада эгалик 51 фоизи бир ёки бир неча аёллардан иборат бўлиши, ариза берувчи аёл киши бўлиши, тадбиркорлик фаолияти билан камида олти ой шуғулланиб ўз мижозларига эга бўлиши,

<sup>37</sup><https://www.sbf.org.sg/about-us/our-communities/business-networks/singapore-women-entrepreneurs-network#:~:text=ABOUT%20US,Asia%2DPacific%2C%20particularly%20ASEAN.> 2021-йил 21-сентябрда ишга туширилган Сингапур тадбиркор аёллар тармоғи (SG-WEN) СБФ томонидан жамиятдаги ишбилармон аёлларнинг мавжуд саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва Осиё-Тинч Оекани, хусусан Осиёдаги бошқа тадбиркор аёллар уюшмалари билан боғлиниш платформаси бўлиб хизмат қилиш мақсадида ташкил этилган тармоқдир.

<sup>38</sup> [www.straitstimes.com](http://www.straitstimes.com)

<sup>39</sup> <https://wbeceast.com/get-certified/women-owned-small-business-wosb-certificate-faqs/>

<sup>40</sup> 19-20 ссылгага қаранг

рахбарликда ва тадбиркорлик фаолияти устидан назоратда камида олти ой бўлиши керак<sup>41</sup>.

Марказий Осиё давлатлари орасида тадбиркор аёлларга тадбиркорлик фаолиятини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, давлат томонидан молиявий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий қўллаб-қувватлаш борасида энг юқори ўрнида Қозоғистон давлати туради. Мамлакат умумий аҳолисининг 51 фоизини, банд аҳолининг 49 фоизини аёллар ташкил этади. Ялпи ички маҳсулотда тадбиркор аёлларнинг улуши эса 39 фоиз<sup>42</sup>.

Бугунги кунда мамлакатда аёллар тадбиркорлиги кичик ва ўрта бизнес секторида яратилган иш ўринларининг учдан бир қисмини ташкил этади. Жами кичик ва ўрта бизнесдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг 31,3 фоизини аёллар бошқаради. Аёллар бошчилигидаги якка тартибдаги тадбиркорлар жами якка тартибдаги тадбиркорларнинг 53,54 фоизини ташкил этади. Бундан аёлларга якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият олиб бориш қулай ва осон. Йирик корхоналарда эса ҳолат бошқача. Мамлакат иқтисодиётининг учдан бир қисмини кичик ва ўрта бизнес ташкил қилади. Шунинг учун ҳам Қозоғистонда аёллар тадбиркорлигига мамлакат иқтисодиётининг асосий бўғини сифатида қараб уларга ушбу соҳада ривожланишлари учун молиявий ресурслардан фойдаланишда бир қатор қулайликлар берилмоқда. Халқ Банки билан ҳамкорликда Visадан “She’s Next” дастури глобал ташаббусдир. Ташаббус уч босқичдан: таълим дастури, бизнес-режа марафони ҳамда бизнес лойиҳалари танловидан иборат. Ҳозир танловнинг учинчи босқичи ўтмоқда. Грант ғолибалари ва турли босқич ғолибалари имтиёзли молиялаштирилади. Умумий мукофот жамғармаси йигирма миллион тенгедан иборат<sup>43</sup>. “She’s Next” дастурининг таълим босқичини тамомлаган аёлларга тадбиркорлик фаолиятларини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш учун универсал имтиёзли молиялаштиради. Афзаллиги 20 млн. тенгегача 8 фоизлик имтиёз билан 5 йил муддатга берилади. Шарти якка тартибдаги тадбиркор аёллар, юридик шахс бўлса, устав капиталида 50фоиз улушга эга бўлиш керак. Мақсади айланма маблағларни тўлдириш, инвестиция киритиш, тадбиркор аёлларнинг бошқа иккинчи даражали банклардаги мавжуд кредитларини қайта молиялаш. Талаб қилинадиган ягона ҳужжат “She’s Next” дастурининг таълим босқичини муваффақиятли тамомлагани тўғрисида сертификат ҳисобланади<sup>44</sup>.

Қозоғистонда “Даму” тадбиркорликни ривожлантириш жамғармаси акциядорлик жамияти ташкил этилган бўлиб<sup>45</sup>, унинг асосий вазифаси 2033

<sup>41</sup> <https://www.b2gconnect.com/ppc/women-owned-small-business-wosb-edwosb>

<sup>42</sup> [http://damu.kz/news/detail/php?ELEMENT\\_ID-28925](http://damu.kz/news/detail/php?ELEMENT_ID-28925)

<sup>43</sup> <https://ranking.kz/rankings/socium-rankings/kakie-programmy-po-podderzhke-zhenschin-i-zhenskogo-biznesa-rabotayut-v-rk.html>

<sup>44</sup> <https://halykbank.kz/business/credit/shes-next>

<sup>45</sup> “Даму”-тадбиркорликни ривожлантириш жамғармаси бўлиб, Қозоғистон Республикасининг 1997 йил 26-апрелдаги “Кичик тадбиркорликни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 665-сонли Қарорига асосан ташкил этилган. Жамғарма тадбиркор аёлларга



йилгача мамлакатдаги микро, кичик ва ўрта бизнесни барқарор ривожлантириш учун комплекс в самарали қўллаб-қувватлаш воситаларини жорий этишдан иборат<sup>46</sup>. Унинг ягона акциядори Баитерек Миллий бошқарувчи холдинги ОАЖ ҳисобланади<sup>47</sup>. Сўнгги ўн йилликда жамғарманинг бешта асосий молиявий воситаларини қайд этиш мумкин. Улар ОТБ кредитлари, аёллар тадбиркорлигини кредитлаш учун иккинчи даражали банкларда маблағ ажратиш дастури, ЕТТБнинг “Бизнесдаги аёллар” дастури ҳамда “Бизнеснинг йўл харитаси-2025” давлат дастури. “Бизнеснинг йўл харитаси-2025” давлат дастури доирасида икки йўналиш: қисман кредит кафолати ва фоиз ставкаларини субсидиялаш каби йўналишларда фаол фаолият олиб бормоқда. Мазкур бешта дастур туфайли Жамғарманинг барча дастурлари бўйича молиявий кўмак олган умумий тадбиркорлар сонининг 57,6 фоизини аёллар ташкил этади. Аёллар устунлик қиладиган соҳалар таълимда 67 фоиз, соғлиқни сақлашда 53 фоиз, савдо соҳасида 54 фоиз улушга эга. Улар риелторлик хизматлари 61, меҳмонхона ва умумий овқатланиш хизматлари 58 соҳасида кучли ўринга эга. Айни пайтда эса эркаклар устунлик қиладиган саноат 30, алоқа 38, қурилиш 23 ва транспорт 19 фоиз каби соҳаларда ҳам фаолиятларини кенгайтirmoқдалар<sup>48</sup>.

Жамғарманинг “Умит” дастури ҳам юқоридаги дастурларнинг бир тури. Дастур тадбиркор аёлларга имтиёзли кредитлар, кафолатлар тақдим этади, улар учун тадбиркорлик тренинглари ўтказади. Халқ Банки, Кредит маркази банки, ЕвроОсиё банки кабилар билан ҳамкорлик қилади. 100 млн. тенгегача 7-8 фоиз ставкада 7 йил муддатга бериладиган имтиёзли кредит. Кредит муддати мақсадидан келиб чиқиб белгиланади. Инвестиция учун 84 ой, айланма маблағларни тўлдириш учун 36 ойдан ошмаслиги керак. Шарти яқка тартибдаги тадбиркор аёллар, юридик шахс бўлса, устав капиталида 51 фоиз аёлларнинг улуши, 1 йилдан кам бўлмаган муддатда раҳбарликда фаолият олиб бораётган бўлиши керак. Талаби ЕТТБда тадбиркорлик асослари бўйича курсни тамомлаш ҳамда Дастур маблағлари ҳисобидан Банкдан кредит олинган кундан бошлаб биринчи бир йил мобайнида малака сертификатини олиш<sup>49</sup>.

#### IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан хулоса қилган ҳолда, аёллар тадбиркорлигини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш борасида қуйидаги таклиф ва тавсиялар келтириб ўтилди.

Улар:

- вилоятда туманлар кесимида мавжуд тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган аёлларнинг манзилли рўйхатини

---

кредитлар бўйича фоиз ставкаларини субсидиялаш, банкларга тадбиркорларни кредитларини кафолатлаш кабиларни ўз олдига мақсад қилган.

<sup>46</sup> <https://damu.kz/ru/o-fonde/o-nas/zadachi-missiya-videnie/>

<sup>47</sup> [https://edcom.uz/wp-content/uploads/company\\_strategy.pdf](https://edcom.uz/wp-content/uploads/company_strategy.pdf)

<sup>48</sup> [http://damu.kz/news/detail/php?ELEMENT\\_ID-28925](http://damu.kz/news/detail/php?ELEMENT_ID-28925)

<sup>49</sup> <https://halykbank.kz/business/credit/programma-kreditovaniya-umit>

шакллантириш, уларнинг қобилиятларини аниқлаш ҳамда иқтисодий-ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида доимий бепул ўқув курсларини ташкил қилиш орқали тадбиркорлик фаолиятига қизиқишларини ошириш;

- аёлларга тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишдаги қўрқувлари, ўзларига нисбатан ишончсизликни бартараф этиш мақсадида психологик семинар ва тренинглар ташкил қилиш;

- аёлларни жамият ҳаётидаги мавқеини янада мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган давлат ислохотларини амалга оширилиши устидан назоратни кучайтириш;

- юқоридаги давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини молиялаштиришда кредит ресурсларининг фоиз ставкаларини минимал даражада камайтириш, улар фойдага эга бўлгунларига қадар кредитнинг фақат фоизини тўлаб, асосий қарздорлик суммасини фойдага чиққандан кейин тўлаш тартибини жорий қилиш;

- банкларда қарздорлиги мажуд аёллар учун уларни қарздорлигини қайта молиялаш имкониятини берувчи давлат дастурлари ишлаб чиқиш орқали тадбиркорлик фаолиятларини ривожланишига туртки бериш;

- аёлларга нисбатан зўравонликни олдини олиш мақсадида зўравонлик ва тазйиққа нисбатан жазо чораларини кучайтириш;

- давлатимизни ҳам юқорида таъкидлаб ўтилган халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб, уларнинг дастурлари доирасида тадбиркор аёлларга молиявий ресурслардан максимал даражада фойдаланишлари учун қулай имкониятлар яратиб бериш.

## V. ФАЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Reverchuk S. K. Small business: methodology, theory and practice/S.K.Reverchuk. - К.: IZMN Publishing House, 1996.-236 p
2. Women in Business Statistics: The Ultimate List of 2024
3. Lumley B. (2023, May 10). Sky's limit for Africa's female entrepreneurs. African business.
4. MasterCard. (2022). The MasterCard Index of Women Entrepreneurs. How targeted support for women-led business can unlock sustainable economic growth
5. Зверева Н, Чаянов А. В. О размере семьи и крестьянского домохозяйства//Вестник статистики. -1991,-№7-с.47
6. Беккер Г. Экономика семьи и макроповедение //США: Экономика. Политика. Идеология.1994. №2.-С.99-107; -№3.-С.93-98
7. Бабаева Л.В. Деловая сила “слабого пола”/Л.В.Бабаева, А.Е.Чирикова//Эко.-1996.-№5.-с.123-132
8. Zhabborova, O. I., & Kenjaeva, N. P. (2018). Bases of gender equality of rights in Uzbekistan. Международный журнал гуманитарных и естественных наук, (5-2).,

9. <https://www.mastercard.com/news/latin-america/en/newsroom/press-releases/pr-en/2022/march/2022-mastercard-index-of-women-entrepreneurs/>
10. [http://damu.kz/news/detail/php?ELEMENT\\_ID-28925](http://damu.kz/news/detail/php?ELEMENT_ID-28925)
11. <sup>1</sup><https://halykbank.kz/business/credit/programma-kreditovaniya-umit>
12. <https://ranking.kz/rankings/socium-rankings/kakie-programmy-podderzhke-zhenschin-i-zhenskogo-biznesa-rabotayut-v-rk.html>
13. <https://halykbank.kz/business/credit/shes-next>
14. <https://damu.kz/ru/o-fonde/o-nas/zadachi-missiya-videnie/>
15. [https://edcom.uz/wp-content/uploads/company\\_strategy.pdf](https://edcom.uz/wp-content/uploads/company_strategy.pdf)
16. <https://www.b2gconnect.com/ppc/women-owned-small-business-wosb-edwosb>
17. [http://damu.kz/news/detail/php?ELEMENT\\_ID-28925](http://damu.kz/news/detail/php?ELEMENT_ID-28925)